ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
O'.K.U.F. F.T.U.U.

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

2006 йил 25 октябр, чоршанба № 172 (2221)

**Ушбу сонда:**

2 ФАЛОКАТ ОЁҚ ОСТИДА, лекин инсон қадри эмас
3 ОВУЛЛАР МЕҲРГА МУҲТОЖ
4 ҲАЁТ ТАСОДИФЛАРГА ТЎЛА

# Ёшлик, жўшқинлик ва камолот



***Халқаро майдонда мафкуравий-ғоявий ва информацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган таҳдидларга қарши изчил кураш олиб бориш вазифаси ушбу соҳадаги ишларни янада кучайтиришни тақозо этади.***

***Президентимизнинг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарорида таъкидланганидек, Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини сингдириш масаласи бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда.***

***Жиззах политехника институтининг маънавий-ахлоқий тарбия ишлари бўйича проректори, филология фанлари номзоди, доцент Дилбар СОАТОВА мухбиримизга бу борада амалга оширилаётган ишлар хусусида қуйидагиларни сўзлаб берди.***

— Бугунги кунда миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини, уларнинг ҳаётийлиги ва таъсирчанлигини ошириш долзарб вазифа бўлиб турибди. Юртбошимиз таъкидлаганидек, «Маънавият бу инсонни руҳий покланиши ва юксалишга даъват этадиган, инсон ички оламини бойитадиган, унинг иймон-иродасини мустаҳкамлайдиган, виждонини уйғотадиган қудратли ботиний кучдир. Дарҳақиқат, маънавиятли инсонни енгиб бўлмайди. Чунки, у оқу қорани яхши фарқлай олади. У фикрий ва руҳий олами бой шахсдир».

Институтимиз чин маънодаги истиқлол меваси. Чунки у мустақиллик шарофати билан вилоятимиз ҳамда мамлакатимиз халқ хўжалигининг турли тармоқлари учун мутахассис кадрлар тайёрлаб берувчи олийгоҳ сифатида ташкил этилди.

Ҳозирда институтимизда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида 17 та таълим йўналишлари бўйича бакалаврлар, 6 мутахассислик бўйича магистрлар тайёрланмоқда. Автомеханика, Санъат технологияси ва қурилиш, Муҳандислик иқтисодиёти факультетлари, 16 кафедра ва бир неча бўлимлар фаолият кўрсатмоқда. 170 дан зиёд профессор-ўқитувчилар уч мингга яқин талабаларга таълим-тарбия бериб келишмоқда.

Биз кундалик таълим-тарбия жараёнида ватанпарварлик, маънавий-ахлоқий, миллий ва умуминсоний қадриятлар, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, ихтисослик, спорт-соғломлаштириш, оилавий-маиший, экологик ва бошқа шу каби масалаларни қамраб олишни мақсад қилиб қўйганмиз.

Ёшларни соғлом ғоялар руҳида тарбиялаш, уларнинг дунёқарашида Ватанга садоқат, миллий қадрият ва анъаналарга муҳаббат туйғуларини мустаҳкамлаш зиёлиларнинг асосий вазифасидир. Бу борадаги ишларни яхши ташкил этиш учун институт касаба уюшма ташкилоти билан ҳамкорликда ягона режа ишлаб чиқилган.

Мустақиллик байрамининг 15 йиллиги олдидан жиззахлик Ўзбекистон Қаҳрамонлари Парда Зиётов, Марат Зокиров, шоир ва ёзувчилар Т. Мақсуд, А. Аҳмад, Н. Ҳайрат, М. Каримова, ишлаб чиқариш илғорлари Ш. Ҳамроқулов, Х. Мустафоқулова, С. Зохидова, уруш ва меҳнат фахрийлари Я. Рашидов, Ҳ. Турсунов ва бошқалар билан учрашувлар ташкил қилинди.

Талаба-ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида институт илмий кенгаши йиғилишида фан ва ижодий тўгараклар фаолияти муҳокама қилиниб, бугунги кун талаблари даражасида қайта кўриб чиқилди. Тегишли чора-тадбирлар белгиланди. Ота-оналар билан ўзаро алоқани мустаҳкамлаш мақсадида ҳар уч ойда «Ота-оналар куни» ўтказилиши ўзининг ижобий самарасини бера бошлади.

Институт ахборот гуруҳи томонидан йиғилган ахборотлар услубий тавсия сифатида ҳар ойда китобча ҳолда нашр этилиб, барча профессор-ўқитувчи ва гуруҳ мураббийларига тарқатилмоқда. Ушбу тавсиялар вилоятимиздаги коллеж ва лицейларга ҳам юборилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

*Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига*

# ЖАҲОН ТАМАДДУНИНИНГ МЕҲВАРИ



***Ўзбекистоннинг энг қадимий шаҳарларидан бири Қарши жаҳон тамаддунининг кўҳна марказларидан. Ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакилларидан иборат кўркам гўшада 220 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. 7,5 минг гектар майдонни эгаллаган шаҳарда 62 та маҳалла фаолият кўрсатмоқда.***

## ЭВРИЛИШ

Юртбошимиз Ислом Каримов вилоятга биринчи раҳбар бўлиб турган даврда шаҳар юксалишнинг ойдин йўлига ўтиб олди. Дастлаб янги бозор бунёд этишга киришилди ва 1987 йилнинг 22 август куни унинг биринчи навбати фойдаланишга топширилди. Деҳқон бозори ва мебеллар уйи, ёшлар маркази, қаҳвахона ва дўконлар, турар-жой бинолари, маданият ва истироҳат боғлари, болалар боғчалари, мактаб ва спорт мажмуалари, ҳунар устахоналари, кенг ва равон кўчалар, янги даҳалар пайдо бўлди, табиий газ, ичимлик сув олиб келинди. Маҳалла, гузарлар ва шаҳар атрофлари ободонлаштирилиб, кўкаламзорлаштирилди.

Ислом Каримов мустақил давлатимиз Президенти этиб сайланганидан кейин Қашқадарё, Қарши шаҳри тараққиётига эътибор янада кучайди.

2005 йилнинг 16-17 июнида Юртбошимиз Қашқадарёга ташриф буюрганида болалар боғи, шарқона услубдаги бозор ва Олимпия заҳиралари коллежи қурилишлари билан танишиб, Қаршининг 2700 йиллик тўйини муносиб нишонлаш юзасидан тегишли тавсиялар берди. Ана шу вазифалардан келиб чиқиб 2005 йилнинг 26 июлида «Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Президентимиз қарори қабул қилинди.

Ушбу ҳужжатлар эълон қилингач, шаҳар ва унинг атрофидаги обидаларни тубдан таъмирлаш, кўчалар, маҳалла гузарларини янгилаш, бозорлар, дам олиш боғлари, тарихий майдонларни очиш, инфратузилмани тараққий эттиришга қаратилган дастур ишлаб чиқилиб, бунёдкорлик ишлари жадал суръатда олиб борилаяпти. Айни пайтда 140 дан ортиқ катта-кичик юбилей иншоотларида қурилиш-таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилаяпти.

Қаршида тарихий обидалар кўп. Кўкгумбаз масжиди (XVI аср), қадимий ҳаммом (XVI аср), Қашқадарё устидаги кўприк (XVI аср), Шарофбой мадрасаси (XVIII аср бошлари), Чармгар масжиди (XIX аср ўрталари), Қиличбек (XIX аср), Бектемир (XX аср бошлари), Хожа Абдулазиз мадрасалари (XX аср бошлари) ва бошқа меъморий обидалар сақланиб қолган.

## МУҚАДДАС ОБИДАЛАР

Юбилей буюк давлат арбоби, улкан саркарда Амир Темур бобомиз таваллудининг 670 йиллиги билан қўшиб ўтказилади. Шу муносабат билан обидалар таъмирланиб, чирой очмоқда.

XVI асрда Шайбонийлар сулоласининг вакили Абдуллахон даврида бунёд этилган «Кўкгумбаз» жомеъ масжиди қайтадан таъмирланди. Қурилиш ишларида Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз ва Намангандан келган 155 нафар қўли гул қурувчи ва усталар қатнашди.

Самарқанднинг «Меъмор-96» корхонаси тажрибали устаси Ривожиддин Эгамбердиев масжид деворларининг ташқи қисмига сайқал беришда алоҳида маҳорат кўрсатди. Ўттиз йиллик иш тажрибасига эга серғайрат ҳунарманд кошинкор устачилик, ёғоч ўймакорлиги сирларини пухта эгаллаган. Оила аъзолари билан Бухородаги Баҳовуддин Нақшбанд зиёратгоҳи, Самарқанддаги Бибихоним, Имом ал Бухорий, Хўжа Ахрор Вали, Шоҳизинда, Регистон тарихий ёдгорликлари, Тошкентдаги Юнусхон мадрасаларини таъмирлашда қатнашган.

(Давоми 4-бетда)

# КАСАНАЧИЛАР МАҲСУЛОТИ ЭКСПОРТГА ЧИҚАРИЛМОҚДА

***Хонободдаги "Тарандубител" очиқ турдаги акциядорлик жамияти касаначиликни ривожлантириш тўғрисидаги Давлат дастурини амалга ошириб, 66 нафар уй бекаларини иш билан таъминлади.***

Мазкур корхонанинг тенг ҳуқуқли тикувчилари бўлмиш бу аёллар саноат корхоналарининг турли тармоқлари учун махсус иш кийимларини тикиб беришмоқда.

"Тарандубител" очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг раиси Дилшодбек Обиджонов корхонада ишлаб чиқарилаётган жами маҳсулотнинг 20 фоизи касаначилар томонидан тайёрланаётганини таъкидлади. Корхона меҳнат жамоаси жорий йилнинг якунига қадар касаначилар сонини 90 нафарга етказишни режалаштирган.

**К.НИЗОМОВ**

*Хабарлар*

# МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ХОНАЛАРИ

## ходимлар хизматида

***Ўзбекистон автомобил, дарё, электр транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши томонидан тармоқ меҳнаткашлари ҳамда ёшларни маънавий жиҳатдан тарбиялаш, мамлакатимизда олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатни кенг халқ оммасига етказишга алоҳида эътибор қаратилаяпти.***

Шунингдек, тармоқ тизимидаги корхона ҳамда ташкилотларда, ўқув юртларида, дам олиш уйлари ва оромгоҳларида «Маънавият ва маърифат хоналари» ташкил этилган бўлиб, уларда мунтазам равишда турли тадбирлар ўтказиб келинаяпти. Бу иш Тошкент вилоятидаги Қибрай автомобил йўл хўжаликларида, Тошкент шаҳридаги 18-автобус саройида, 2-сонли трамвай депоси каби бир қатор жамоаларда яхши йўлга қўйилган.

# АЁЛЛАРГА ИМТИЁЗ

***«Ўзбекэнерго» Давлат акциядорлик компанияси ҳамда Республика ёқилғи энергетика мажмуи, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши ўртасида тузилган жамоа келишувида тармоқда ишловчи 12 ёшгача фарзанди бўлган ёки 16 ёшгача ногирон болалари бўлган аёлларга қўшимча имтиёз берилган. Шунга асосан, уларга йилига 3 кунлик ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилади.***

Бундай имтиёздан биринчилардан бўлиб Янги Ангрен ГРЭСи очиқ акциядорлик жамиятининг ишчи-хизматчилари фойдаланишмоқда. Андижон, Фарғона, Наманган вилоятларидаги тўқимачилик корхоналарининг аёллари эса туғруқ таътилига ҳомиладорликнинг бешинчи ойидан чиқишмоқда.

# ЖАМОА ШАРТНОМАСИ БОЙИТИЛДИ

***Республика қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшма Марказий кенгашининг Фарғона вилоят вакиллиги томонидан ташкилий тузилма мунтазам равишда такомиллаштириб борилмоқда.***

Бунинг натижасида бевосита жойларга чиқиб, қуйи ташкилотларга амалий ёрдам бериш яхши йўлга қўйилди. Шу билан бирга, вакилликда тармоқ корхоналари касаба уюшма қўмиталари раисларининг вилоят кенгаши тузилган бўлиб, мунтазам равишда ўтказилаётган йиғилишларда ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларига дахлдор долзарб масалалар муҳокама қилиниб, амалий тадбирлар белгилаб олинмоқда.

Жамоа шартномалари нафақат сон жиҳатдан, балки мазмунан ҳам бойитилмоқда. Уларга ишлаётган аёлларнинг иш вақтини маоши сақланган ҳолда бир соатга қисқартириш, бепул тушлик овқат ташкил этиш каби бир қатор мажбуриятлар киритилди.

**Ўз мухбирларимиздан**

*Ўзбекистон Конституциясининг 14 йиллиги олдидан*

# ОДИЛЛИК МЕЗОНИ

***2005 йил 1 август куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармон тарихий аҳамиятга эга. Ўлим жазоси жиноий жазо тури сифатида совет давлатининг бутун тарихи мобайнида мавжуд бўлган. Аммо, мазкур жазо амалда қанчалик кенг қўлланишидан қатъий назар, у вақтинчалик хусусиятга эга эканлиги қонунда муттасил қайд этилган. Собиқ совет ҳукуматининг ўлим жазосига нисбатан муносабати бир хил бўлмаган. Гарчи Ўзбекистон Республикаси собиқ Иттифоқ таркибига 1924 йил аъзо бўлган бўлса-да, лекин Иттифоқнинг 1917 йил октябр «инқилоби»дан сўнгги сиёсати кейинчалик ҳам кўп йиллар мобайнида Республикамиз ҳаётига салбий таъсирини ўтказиб келди.***

1922 йил 24 майда қабул қилинган РСФСР Жиноят кодекси социалистик давлатнинг биринчи Жиноят кодекси бўлиб, у Умумий ва Махсус қисмлардан иборат эди. Унда олий жазо «Бутунроссия Марказий Ижроия Қўмитаси томонидан бекор қилингунга қадар» амал қилувчи вақтинчалик чора деб эълон қилинди (33-модда). Ушбу кодексни Туркистон Республикаси ҳудудида жорий қилиш тўғрисида ТуркМИК 1922 йил 21 июлда қарор чиқарди.

Бу кодекс 1924 йилнинг феврал ойида Бухоро Халқ Республикаси ва ана шу йилнинг октябр ойида Хоразм Халқ Республикаси ҳудудида ҳам жорий қилинган.

Отув жазосининг вақтинчалик хусусияти СССР ва иттифоқдош Республикаларнинг 1924 йилги Жиноят ҳақидаги қонун ҳужжатлари асосларида, 1926 йилги Жиноят кодексида ҳам қайд этиб ўтилди. 1926 йил 16 июнда қабул қилинган Ўзбекистон ССРнинг Жиноят кодекси 4 бўлим, 10 боб ва 293 моддадан иборат бўлиб, умумий ва махсус қисмларга ажратилган.

1926 йилгача Республикамиз ҳудудида РСФСРнинг 1922 йилги Жиноят кодекси қўлланилиб келинган эди.

1959 йил 21 майда Республика Олий Советининг бешинчи чақириқ 2-сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон ССРнинг Жиноят кодекси 1960 йил 1 январдан бошлаб 1995 йилнинг 1 апрелига қадар амал қилди. Ушбу Жиноят кодексида ўлим жазоси жазолаш тизимига киритилмаган. Бундан жиноий жазо чораси сифатида ўлим жазоси мавжуд эмас деган хулосага келиш мумкин эди. Аммо навбат бўйича кейинги модда ўлим жазосига бағишланган эди, яъни ўлим жазоси то «у батамом бекор қилингунга қадар фавқулодда жазо чораси» сифатида қўлланилиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

(Давоми 2-бетда)

*Касаба уюшмалари ҳаётидан*

# ОДДИЙ МЕҲНАТКАШ

## фаолиятимизга қараб баҳо беради

***Жамиятимизда нодавлат ва нотижорат жамоат ташкилотларининг алоҳида ўрни бор. Меҳнаткашларнинг дам олиши, уларга зарур шарт-шароитларни яратиб бериш, спортга ошно этиш, соғломлаштириш ҳамда ишчи-хизматчиларнинг маънавиятини юксалтиришга оид кўпдан кўп юмушлар шулар жумласидандир.***

***Мухбиримиз Наманган вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси кенгаши раиси Роза Деҳқонова билан шу ҳақда суҳбатлашди.***

— Фаолиятимизда Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида» ва «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонунлар, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Республика таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий кенгашининг Низомлари, бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари биз учун дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Тизимимизда 11 та шаҳар, туман кенгашлари, Мингбулоқ туман вакиллиги фаолият кўрсатяпти. Айни пайтда 386 та бошланғич ташкилотлар бўлиб, улар ўз атрофига 144 мингдан зиёд аъзони бирлаштирган.

**— Айни вақтда касаба уюшма ташкилотлари нима билан машғул?**

— Иш кўлами ниҳоятда кенг. Ҳозир шундай жараён кетаётирки, бирини тугатмай бошқаси чиқади. Ҳаммасига улгуриш керак. Хусусан, иш берувчилар билан ижтимоий шерикчилик тамойиллари асосида вилоят миқёсида 2 та, туманларда 12 та тармоқ келишувлари тузилган. Жойларда эса 386 та жамоа шартномалари амал қиляпти. Юқоридаги вазифаларни айнан шу ҳужжатлар орқали бажаряпмиз.

Тармоқ ходимлари ҳамда талаба ёшларга кўнгилдагидек меҳнат ва ўқиш шароитларини яратиш юзасидан «2004 — 2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури» ни бажара бориб, вилоятда ўтган икки йил мобайнида кўпгина ислоҳотлар амалга оширилди. Шунингдек, замонавий лойиҳалар асосида 51 та мактаб капитал реконструкция қилинди, 113 та мактаб таъмирланди. 65 та касб-ҳунар коллежлари ҳамда 4 та академик лицейлар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Ҳомийлар ва шифокорлар йилининг 9 ойи мобайнида иш берувчилар ҳамда касаба уюшмалари маблағи ҳисобидан 5017 нафар кишига 54 миллион 500 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Буларнинг кўпчилиги кам таъминланган, кўп болали оилалар, пенсионерлар, ногиронлар, меҳнат фахрийларидир. Вилоят ва туманлар тармоқ касаба уюшма ташкилотлари қарори асосида кам таъминланган, иқтидорли ва жамоатчи талабаларнинг бир гуруҳига энг кам иш ҳақи миқдорида ички стипендия бериб борилаяпти.

Вилоят ҳокимлигининг ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда тармоқ тизимидаги ётоқхоналарда яшаш, маънавият ҳамда спорт ишларини кўнгилдагидек йўлга қўйиш мақсадида «Энг яхши ўқувчилар турар жойи» кўрик-танлови ҳам ўтказилмоқда.

Кенгаш тизимидаги бир қатор муассасаларда ички имкониятлардан оқилона фойдаланиб, бюджетдан ташқари маблағ ишлаб топилмоқда. Шу ҳисобдан ходимлар ва талаба ўқувчилар учун қўшимча имтиёзлар яратилмоқда. Масалан, Наманган муҳандислик-педагогика институтида бюджетдан ташқари ишлаб топилган маблағдан ҳар бир ходимга кўрсатилган моддий ёрдам жорий йилнинг шу даврига келиб 177 минг сўмни ташкил этди. Наманган Давлат университетида, Чортоқ педагогика коллежида ҳам бу иш яхши йўлга қўйилган.

Наманган педагогика коллежининг Мингбулоқ туманида ёрдамчи хўжалиги, коллеж қошида эса маиший хизмат шаҳобчалари ишлаб турибди. Шулардан тушган 20 миллион сўмдан зиёд маблағ ходимлар ва ўқувчилар тушликларини арзонлаштириш, транспорт, кам таъминланган талабалар никоҳ тўйлари ҳаражатларини қисман қоплаш каби хайрли тадбирларга сарфланди. Бундай ишларни амалга ошираётган ўқув юртларини яна кўплаб мисол тариқасида келтириш мумкин.

**— Кейинги вақтда «Касаба уюшмалари қанчалик кучли бўлса, иш жойлари шунчалик хавф-хатарсиз бўлади» деган шиор оммалашиб кетди.**

— Фикрингизга қўшиламан. Жойлардаги касаба уюшма қўмиталарининг меҳнат муҳофазаси комиссиялари ва вакиллари бу йўналишда мунтазам назорат олиб боришяпти. Биз жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида 145 дан зиёд ташкилотларнинг бу борадаги фаолиятини ўрганиб чиқдик. Жойларда 216 та меҳнат муҳофазаси қонун ва меъёрлари бузилиши ҳолатлари аниқланди. Бизнинг бевосита аралашувимиз билан 158 та камчилик бартараф этилди.

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар туфайли боқувчисини йўқотган ҳамда жароҳатланган шахсларнинг 21 нафарига ҳуқуқий маслаҳат берилди. Қисқаси, хавфсиз иш шароитларини яратиш ҳамда меҳнат муҳофазаси тадбирларини амалга ошириш учун 36 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Учқўрғон ва Уйчи туманлари тармоқ касаба уюшма кенгашлари томонидан ишлаб чиқилган меҳнат муҳофазаси бўйича қўлланма ҳамда тавсиялар бошланғич касаба уюшма ташкилотларига тарқатилди.

(Давоми 2-бетда)

**Ўзбекистон Конституциясининг 14 йиллиги олдидан**

# ОДИЛЛИК МЕЗОНИ

(Боши 1-бетда)

Кодекс Махсус қисмининг санкцияларида ўлим жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятлар рўйхати унга янги жиноят турлари киритилиши ҳисобига анча кенгайди. Ўлим жазосини тайинлаш имконияти назарда тутилган жиноят таркиблари 30 дан ошиб кетди. 90-йилларнинг бошида ўлим жазоси тариқасидаги жазони иқтисодий ва бошқа нозўравонлик жиноятлари учун жавобгарлик назарда тутилган моддаларнинг санкцияларидан чиқариб ташлашга йўналтирилган тескари жараён бошланди. Шунга қарамай, 1959 йилги Ўзбекистон ССР Жиноят кодекси амал қилиш муддатининг охирига келиб, унда ўлим жазоси назарда тутилган 33 санкция мавжуд эди.

Ўзбекистон Республикаси 1991 йил августда ўз мустақиллигини эълон қилди. Лекин эндигина мустақилликка эришган Ватанимизда асосан эски совет мафкурасига асосланган ва у билан йўғрилган муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонунлар мерос қолиб, ҳамон амал қилмоқда эди. Шунга кўра, 1959 йилги Ўзбекистон ССР Жиноят кодекси (1988 йил 1 январгача киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан)нинг 34 та моддасида ўлим жазоси назарда тутилганди.

1992 йилда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилиниб, унга асосан инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқлари олий қадрият деб эълон қилинди. Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи эканлиги ва инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноят деб белгиланди. Инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари тизимида яшаш ҳуқуқи нафақат мазкур ҳуқуқнинг ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишлилиги ва ажралмас эканлиги, балки Конституцияда берилган ва кафолатланган ҳамда қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар билан ҳимоя қилинадиган барча мавжуд ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлишининг дастлабки шарти ва гарови ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 3-моддасида ҳар бир инсон яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пактнинг 6-моддаси 1-бандида бунга кенг таъриф берилади: «Ҳар бир инсоннинг яшаш ҳуқуқи унинг ажралмас ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ қонун билан муҳофаза этилади. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан инсонни яшаш ҳуқуқидан маҳрум қила олмайди».

Ўзбекистонда инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддасдир. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларининг энг асосийси ҳисобланмиш яшаш ҳуқуқининг Конституция даражасида мустаҳкамланиши ўз навбатида давлат олдига ин-




сон ҳаётини ҳимоялаш ва унга бўладиган турли хил ижтимоий хавфли тажовузларнинг олдини олишнинг амалдаги механизмини яратишдек ўта масъулиятли вазифани қўяди.

Янги Конституциямиз асосида ишлаб чиқилиб, 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган ва 1995 йил 1 апрелда кучга кирган Жиноят кодекси инсоннинг яшаш ҳуқуқини ҳимоялаш соҳасида ўзига хос ўрин тутиб, яшаш ҳуқуқини ҳимоя қилиш чораларидан иборат тизимни ташкил этади. Жиноят кодекси Махсус қисмидаги нормаларнинг 26 фоизи муайян даражада фуқаролар ҳаётига тажовуз қилганлик учун жиноий жавобгарликни назарда тутади. Жабрланувчининг у ёки бу биологик хусусиятлари ва ижтимоий сифатларидан қатъий назар, фуқаролик ҳаёти жиноят қонунлари билан муҳофазаланади. Чунончи, ҳоҳ гўдак, ҳоҳ қария, ҳоҳ жисмонан соғлом, ҳоҳ ногирон, ҳоҳ руҳий норасо бўлсин, умуман, барчасининг ҳаётини муҳофазалашга қаратилган.

Муайян даражада инсон ўлимига сабаб бўладиган қилмишлар жиноят қонунлари томонидан ижтимоий хавфли деб тан олинади, чунки ҳар бир инсон ҳаёти ижтимоий қадрият ҳисобланади. Одамлар эса, ўз навбатида, ҳар қандай ижтимоий муносабатларнинг ажралмас таркибий қисми бўлиб, мазкур муносабатлар инсонлар иштирокисиз реал мазмунга эга бўлмайди.

1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган ва 1995 йилнинг 1 апрелидан амалга киритилган Жиноят кодексида 13 та модда бўйича ўлим жазоси қолдирилди, холос.

Бу ҳолат эндигина мустақил бўлган ва ўз хавфсизлигини таъминлашга ҳаракат қилаётган республиканинг эҳтиёжларига мос келар эди, албатта. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шундай деган эди: «Ўзбекистонда ўлим жазосини қўллашга доир жиноят қонунчилиги сиёсати бутун жаҳонда кечаётган жараёнларга тўла мос бўлиб, Ўзбекистон Конституцияси моҳиятидан келиб чиқадиган инсонпарварлик тамойилини ўзида тўла акс эттиради».

Ўлим жазосининг бекор қилиниши ижтимоий аҳамиятга эга.

Жиноий жазо ижтимоий адолатни тиклашнинг ўзига хос жиноят-ҳуқуқий усулидир. Халқда бу сезги қанча кучли бўлса, жазо шунча оғир бўлади. Шу боис давлатлар ўлим жазосини фақат энг оғир жиноятлар учун қўллайдилар. Бошқа жиноятлар учун мазкур жазонинг қўлланилиш имкониятини эса чеклайдилар.

Ҳозирда ўлим жазосини қўллаш доирасини торайтириш билан боғлиқ дунё миқёсидаги жараёнлардан мамлакатимиз орқада қолаётгани йўқ. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, «Биз мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб ушбу масалани ҳал қилиш устида иш олиб бормоқдамиз. Ўтган ўн йилдан ортиқроқ вақт мобайнида ўлим жазоси қўлланилиши мумкин бўлган жиноятлар таркиби 33 тадан 2 тагача қисқартирилди. Эндиликда фақат террорчилик ва оғирлаштирувчи вазиятларда қасддан одам ўлдирганлик учунгина ўлим жазоси берилиши кўзда тутилган». Ваҳоланки, яқин ўтмишда Ўзбекистонда ўлим жазоси нафақат бир қанча давлатга қарши ва ҳарбий жиноятлар, шахсга қарши ўта оғир жиноятлар учун, балки давлат ва жамоат мол-мулкини жуда кўп миқдорда талон-тарож қилганлик, масъул мансабдор шахснинг пора олиши ёки жуда кўп миқдорда пора олиш, шунингдек, айрим бошқа жиноятлар учун ҳам назарда тутилган эди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97-модда иккинчи қисми) ва терроризм (155-модда учинчи қисми) учун ўлим жазоси назарда тутилган, холос.

Миллий жиноят қонунчилигимиз, яъни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 51-моддасининг иккинчи қисми бўйича ўлим жазоси аёлга, олтмиш ёшдан ошган эркакка ва ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга нисбатан тайинланиши мумкин эмас. Шунинг ўзиёқ Ўзбекистонда ўлим жазосининг қўлланилиши жаҳондаги тенденцияларга мувофиқ аста-секин, босқичма-босқич камайиб бораётганлигидан далолат беради.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда мустақиллик қўлга киритилганидан кейинги 12 йил ичида ўлим жазосини тайинлаш имконияти 15 баравардан кўпроқ камайди. Ўлим жазосини тайинлаш имконияти назарда тутилган жиноятлар ҳозир Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига биноан жазоланувчи қилмишлари умумий миқдорининг бир фоизига яқинини ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 августда матбуотда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармонига кўра Ўзбекистон Республикасида 2008 йил 1 январдан жиноий жазо тури сифатида ўлим жазоси бекор қилиниб, унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси жорий этиладиган бўлди,

Мазкур Фармондаги давлатимизнинг жиноятга оид сиёсати ўлим жазосини қўллашга нисбатан жаҳон тенденцияларига тўла мос келади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида эълон қилинган инсонпарварлик ва одиллик тамойилларининг изчил ифодасидир.

Демократия ва инсонпарварлик тамойилларининг тантанасига интилаётган, инсон ҳаёти олий неъмат ва инсоннинг ажралмас ҳуқуқи сифатида қўриқланаётган жамиятда ўлим жазосининг қўлланилиши ўринли эмас. Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатда жиноятчини ҳаётидан маҳрум этмасдан ҳам одил йўллар билан жазолаш мумкин. Инсонни ҳаётдан маҳрум этиш Оллоҳнинг измида қолиши керак.

**Умиджон РАСУЛБЕРДИЕВ,**
**жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят судининг судьяси**

# Ёшлик, жўшқинлик ва камолот

(Боши 1-бетда)

«Маънавият кунлари» ва «Мураббийлик соатлари»да талабалар онги ва қалбига ватанпарварлик, ўз халқи ва миллатига садоқат, иймон, диёнат, камтарлик, самимият, адолат, меҳр-шафқат, эътиқод, поклик, ҳалоллик, бағрикенглик, қонунга итоаткорлик, давлат тизимига ҳурмат каби маънавий баркамол инсон фазилатларини сингдириш жараёнида турли воситалардан фойдаланиб келинмоқда. Мавзуларни танлашда ва қизиқарли ўтказишда уларнинг мазмун-моҳиятига қараб мутахассис танланмоқда. Уни олиб борадиган мураббий, воиз ёки таклиф этилган мутахассиснинг етарли малакага эга бўлиши, тайёргарлиги, эркин, оддий, халқчил тилда етказиш, учрашувларнинг мавзуга мос ҳужжатли фильмлар уйғунлигида ташкил этилишига алоҳида эътибор берилмоқда.

Маънавий етукликнинг муҳим белгиси — ватанпарварликдир.

Ватанпарварлик тарбиясида «Фидойи ёшлар» клубининг роли ва ўрни беқиёс бўлмоқда. Клуб аъзолари ва бошқарувчиси талабаларнинг ўзлари бўлиб, улар ўз ташаббуслари билан мавзулар атрофида эркин фикр юритишлари, тенгдошлари билан баҳслашишлари мумкин.

Биринчи курс талабаларининг «Талабаликка қабул қилиш куни» тантанали ўтказилди. Ўз-ўзини бошқарув асосида турли тадбирларда фаол қатнашиш ва Талабалар турар жойида жорий ўқув йилида олиб бориладиган маънавий-маърифий ишларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш режалари белгиланди. Талабаларни институтимизнинг тарихи, анъаналари ва уни битирганларнинг ютуқлари билан таништириш мақсадида таълим муассасаси бўйлаб саёҳат уюштирилди.

Институт маънавият бўлими қошида «Фидойи ёшлар» клуби билан биргаликда «Истеъдод», «Ижодкор ёшлар», «Сирдош психолог», «Нотиқлар» клублари, «Қалдирғоч» рақс тўгараги, «Моҳир қўллар» тўгараги, «Офарин» талаба-театри ва барча кафедралар қошида фан тўгараклари мунтазам фаолият кўрсатмоқда.

Мафкуравий, фуқаролик, ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик, экологик тарбия билан биргаликда саломатлик тарбиясига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Юртбошимиз айтганларидек, «Соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади». Институтда ҳафтанинг ҳар пайшанба куни хотин-қизлар спорт машғулотлари ўтказилади. Унда олийгоҳда меҳнат қилаётган хотин-қизларнинг саксон нафарга яқини иштирок этишмоқда. Талабаларнинг барчаси спорт секцияларига жалб этилган. Узлуксиз спорт мусобақаларида қатнашувчи йигит-қизларнинг саломатлиги мониторингини олиб бориш механизми ишлаб чиқилди. 112 нафар спортчи қизлар шахмат, баскетбол, волейбол, стол тенниси билан доимий шуғулланишади. Талабалар ва профессор-ўқитувчилар ўртасида апрел-май ойларида спортнинг мини-футбол, волейбол, баскетбол, кураш, стол тенниси ва шахмат турлари бўйича мусобақа ўтказилди. Унда 876 нафар талаба ҳамда 87 нафар профессор-ўқитувчи иштирок этди.

Институтда таълим олаётган ногирон, етим талабалар ва кам таъминланган оила фарзандларининг шарт-шароитлари қайтадан ўрганиб чиқилиб, уларга моддий ёрдам берилмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида профессор-ўқитувчи, ишчи-ходимларга 969211 сўм, ва талабаларга 645091 сўм миқдорда моддий ёрдам ҳамда 900000 сўмлик мукофот тарқатилди.

Маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда, уларни талабалар онгига етказишда давлат ва жамоат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликда иш олиб борилмоқда. Масалан, жорий йилнинг ўтган даврида вилоят, шаҳар ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари билан ҳамкорликда 19 та тадбир, 3 маротаба кўрик-танлов ўтказилиб, уларда 740 дан зиёд талаба иштирок этди.

Озодалик, ободончилик ишлари, турли хил танловлар ўтказиш, сантехник ишларини талабаларнинг ўзлари амалга оширмоқдалар. Кутубхона филиалида талабаларнинг ўзлари ойлик маош олиб ишламоқдалар.

**Абдуманноп АЗИМОВ**
**ёзиб олди**



# ОДДИЙ МЕҲНАТКАШ

## фаолиятимизга қараб баҳо беради

(Боши 1-бетда)

Фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан яна бири меҳнаткашларни ҳуқуқий ҳимоялашдир. Уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳам долзарб вазифалардан. Шу боисдан тушган ариза ҳамда шикоятларни ўз вақтида ўрганиб чиқиб, уларнинг оғирини енгил қилишга ҳаракат қиляпмиз. Масалан, Меҳнат Кодекси талабларига зид равишда ишдан бўшатилган Уйчи туманидаги 19-мактабгача таълим муассасаси мудираси М. Пузалова, 23-мактабгача тарбия муассасаси ёрдамчи тарбиячиси М. Ўриновалар вазифаларига қайта тикланишди. Ишдан ноқонуний четлатилган Мингбулоқ туманидаги 53-мактабгача тарбия муассасасининг хўжалик ишлари мудири М. Имомова иш билан таъминланди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

**— Вилоят тармоқ ходимлари ўртасида маънавият ва спорт ишлари қандай йўлга қўйилган?**

— Тасарруфимизда 30 та музей, 734 та кутубхона, 885 та маънавият ва маърифат хоналари, 2086 та спорт зали фаолият кўрсатмоқда. Биз уларга имкони борича кўпроқ меҳнаткашларни жалб этиш тадорикларини кўряпмиз. Мунтазам равишда ўтказиб келинаётган санъат ва бадиий ҳаваскорлик мавзусидаги «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танловида Норин ҳамда Косонсой туманлари вакиллари яхши натижаларга эришмоқдалар.

Оммавий спорт-соғломлаштириш тадбирлари спартакиадаларида вилоятимиз жамоаси, айниқса, хотин-қизларимиз эришган ютуқлар кишини қувонтиради. «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловида эса Учқўрғон туманидан Д. Холмирзаева, Косонсой туманидан Г. Усмонова, «Йил тарбиячиси» кўрик-танловида Наманган шаҳридан М. Турсуновалар ғолиб чиқишди.

Бир сўз билан айтганда, касаба уюшма етакчиси жамоада катта таъсир кучига эга. Шу боис унинг барча саъй-ҳаракати меҳнаткашларнинг фаровонлигини оширишга қаратилмоғи лозим. Шундагина у аъзолар ҳурматига сазовор бўлади. Чунки оддий меҳнаткаш ҳар биримизнинг фаолиятимизга қараб баҳо беради.

**Суҳбатдош:**
**Неъмат РАФИҚОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# ЎҚИСА-Ю, УҚМАСА ҚИЙИН ЭКАН

***Мулк, бошқарув шаклидан қатъий назар, иш берувчи хавфсиз иш шароити яратишга масъулдир. Бироқ, айрим ҳолларда ана шу оддий ҳақиқат унутилмоқда. Сирдарё туман «Шоликор» хўжалигида юз берган фожеага ҳам лоқайдлик сабаб бўлди.***

«Бешкент КМН» фермер хўжалиги раҳбари Нормурод Миралиев шу ерда яшовчи бир фуқародан «ЮМЗ-6кл» маркали тракторни сотиб олади. Агрегатнинг рамаси, орқа кўприги ва стреласи бор эди, холос. Тракторни тиклаш, ишга туширишга тажрибали механизатор керак. У бу борада муайян тажрибага эга мутахассисни анча вақт ахтарди. Ниҳоят, шу ерда яшовчи, хўжаликда ишлаган Қидирбек Исаковни ҳамкорликка чорлади. Ўзаро шартномада Қидирбек тракторни таъмирлаб юргизиши керак эди. Эвазига фермер ҳар ойда 20 минг сўм иш ҳақи тўлаши, устамасига 3 тонна шоли берилишига келишилди.

Қидирбек Исаков ишга тушди. Аммо тракторнинг остки қисмини таъмирлаётган чоғда ноқулай қўйилган домкрат тойиб кетиши оқибатида фалокат юз берди. Воқеадан хабар топган Омон, Шерали исмли йигитлар темир тагидан Қидирбек Исаковни зўрға олиб чиқиб, шифохонага элтишади. Афсуски, олинган тан жароҳати жиддий эди. Жабрдийда оламдан кўз юмади.

Суд-тиббиёт экспертизасининг хулосасида айтилишича, Қидирбек Исаковнинг ўлими юрак пардасининг ўнг томони йиртилиши, кўп қон йўқотганлик, кўкрак қафасининг синиши, ўпканинг чап томон қисми йиртилиш оқибатида юз берган.

Агар фермер Нормурод Миралиев эътиборсизлик қилмаганида бундай фожеа юз бермасди, албатта. У масъул жавобгар шахс сифатида хавфсиз иш ўрни яратиши лозим эди. Бироқ иш берувчи фақат бир нарсани — ўз юмушини битиришни ўйлади. Таъмир учун ҳеч бир шароит йўқ жойда иш бажарилишига изн берди. Ваҳоланки, бу масалада у етарлича билимга эга эди. Марҳум Қидирбек Исаков ҳам ҳаёти учун хавф туғилиши мумкинлигини билса-да, эътироз билдириб ўтирмаган. Негаки, аксарият ҳолларда фермерлар ана шундай аҳволда ишни ташкил этиши одатий ҳолга айланиб қолган. Кўза кунда эмас, кунида синади дейишгани шу бўлса керак-да.

Қонунга риоя этмаслик жиноят. Сирдарё туман прокуратураси фермер хўжалигини рўй берган ҳолат учун айбдор деб топди. Эътиборсизликка йўл қўйган Нормурод Миралиевга иш шароити яратиб беришга масъулият билан ёндошмаганлиги учун ҳар ойлик иш ҳақидан 20 фоиз ушлаш шарти билан 3 йил ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинланди.

Кўпгина фермер хўжаликларида хавфсиз иш шароити яратиш, меҳнат муҳофазасига дахлдор қонунлар ижросига панжа орасидан қаралаётгани ачинарлидир. Таассуфланарли жиҳати шундаки, фермерларнинг бу борадаги билим ва кўникмалари оширилишига мунтазам равишда эътибор қаратиб келинаётган бўлса-да, амалда қўллаш кўнгилдагидек эмас. Мулк соҳиблари масъулиятни унутиб қўйишмоқда.

**Н. ШАМСИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**



# САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ

*Техника деҳқоннинг таянчи, деб бежиз айтилмаган. Шу маънода деҳқоннинг ишини енгиллаштирувчи, барча жараёнда кўмаклашувчи техникага доимо эҳтиёж сезилади. Ушбу талаб ва эҳтиёжни қондиришда «Агрегат заводи» очиқ акциядорлик жамиятининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Бу ерда қишлоқ хўжалиги техникалари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилади. Ҳозирда завод маҳсулотлари нафақат юртимиз, балки Тожикистон, Қозоғистон каби қўшни давлатларга ҳам етказиб берилади. Ишчи-ходимларнинг самарали меҳнат қилиши ва меҳнат муҳофазасини таъминлаш мақсадида бир қатор ишлар олиб борилмоқда.*

*— Самара яратиб берилаётган шарт-шароитларга боғлиқ. Ана шуни эътиборга олган ҳолда тегишли тадбирлар дастури ҳар йили умумжамоа йиғилишида қабул қилинади ҳамда унинг бажарилиши назоратга олинади, — дейди корхона касаба уюшмаси раиси Самандар Умаров. — Ходимлар махсус иш кийимлари ва ҳимоя воситалари билан таъминланади. Ишчилар завод қошидаги поликлиникада шифокор назоратига олинган; физиотерапия, массаж ва фитобар хизматидан ҳам фойдаланишади. Уларнинг ишга келиб кетиши учун махсус автобус ажратилган. Ёзда оромгоҳларда оилавий дам олиш йўлга қўйилган. Шунингдек, турли тадбирлар ва спорт мусобақаларини уюштиришга ҳам алоҳида эътибор берилади. Ҳар йили цехлараро футбол, волейбол, стол тенниси, шахмат, шашка сингари спорт мусобақалари ўтказиш анъанага айланган.*

*Дарҳақиқат, баракали меҳнат, яхши кайфият ҳамда мароқли дам олиш ютуқларни таъминлашда асосий омил ҳисобланади.*

**Ҳидоят ЖЎРАЕВА**

**Суратларда: корхона фаолиятидан лавҳалар.**

**Икром ҲАСАНОВ**
**олган суратлар**

**Меҳнат муҳофазаси**

# ФАЛОКАТ ОЁҚ ОСТИДА,

## лекин инсон қадри эмас

***Фалокат оёқ остида деб, бежиз айтишмаган. «Қаршиирчўлқурилиш» бирлашмасига қарашли ташкилотда ҳуқуқшунос бўлиб ишловчи Кошиб Маъдиев ҳаётида ҳам шундай фожеали ҳодиса рўй берди. У Муборак туманидаги 30-Давлат хўжалик даласидан қайтаётганида автобус ағдарилиб кетиб, оғир тан жароҳати олди. Бундай бахтсизлик ҳар қандай кишининг ҳам қаддини букиб қўйиши табиий. Лекин, ҳаётда яшаш учун курашиш туйғуси ҳам бор. Кошиб Маъдиев шу йўлдан кетди.***

Дастлаб у Косон туман марказий шифохонасида ётиб даволанди. Кейинчалик Тошкент ва Москва шаҳарларидаги травмотология ва ортопедия клиникаларида уч марта жарроҳлик операциясини бошидан ўтказди. Лекин ўнг сонининг корсон суяги синиши ҳамда нерв томирининг жароҳатланиши оқибатида II гуруҳ ногирони бўлиб қолди. У ишлайдиган корхона раҳбарияти томонидан бахтсиз ҳодиса тўғрисида далолатнома тузилиб, қайд этилди. Шу билан бирга, айбдорлик ҳолати аниқланганлиги туфайли меҳнат қобилиятини йўқотганлик фарқини ҳам баъзан тўлаб туришди.

Орадан кўп вақт ўтмай, иш берувчи ҳам, ҳуқуқий ворис ташкилот ҳам бутунлай тугатилди. Мана шундан сўнг Кошиб Маъдиевнинг судма-суд, ташкилотма-ташкилот дарбадар кезиши бошланди. Дастлаб у товон нафақасини ололмаётганлигини кўрсатиб, судга мурожаат этди. Даъво аризасида унга тақдим этилган ҳужжатлар асосида 1983 йил май ойидан то ҳозирги кунга қадар ҳар ойда тўланадиган нафақа пули ҳамда 1 миллион 500 минг сўм маънавий зарарни ундириб бериш сўралганди.

2002 йил 30 май куни бўлиб ўтган суд мажлисида жавобгар, яъни «Қаршиирчўлқурилиш» бирлашмасига қарашли қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва бутлаш очиқ акциядорлик корхонаси раҳбарияти унинг ҳуқуқшунос бўлиб ишлаганлиги ҳамда ногиронлик нафақаси белгиланганлиги тўғрисидаги ва бошқа бир қатор ҳужжатлар сақланмаганлигини рўкач қилишди.

Бундан ортиқ бедодлик бўладими. Аниқ бир ташкилотда ишлаб, бахтсиз ходисага учраган бўлишига қарамай тегишли товон пулини ололмаса. Шундан сўнг Кошиб Маъдиев республика Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Марказий кенгашига мурожаат этди. Ўз навбатида Марказий кенгаш тавсияси билан у судга даъво аризасини киритди ва иш берувчи томонидан етказилган зарарни тўлаш учун ҳужжатлар мавжудлигини, лекин жавобгар ушбу ҳужжатларни тан олмаётганини баён этди. Чунки К. Маъдиевнинг шикоят аризаси бўйича вилоят тармоқ касаба уюшма кенгаши томонидан текширув ўтказилган эди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 189-моддасига кўра, ходимнинг соғлиғига ишлаб чиқаришда зарар етказилса, уни иш берувчи тўлиқ ҳажмда тўлаши шарт. Кошиб Маъдиев эса ўша бахтсиз ҳодиса туфайли меҳнат қобилиятини 80 фоизга йўқотган. Тўғри, даъвогар ишлаган ташкилот тугатилган. Унинг ҳуқуқий вориси Қашқадарё қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва бутлаш очиқ акциядорлик жамияти ҳисобланади. Бинобарин, Меҳнат Кодексига асосан меҳнаткашнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар учун белгиланган тартибда жавобгар деб топилган юридик шахс қайта тузилган тақдирда тўловларни тўлаш мажбурияти унинг ҳуқуқий вориси зиммасида бўлади. Зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талабнома ҳам унга тақдим этилади. Мабодо, ҳуқуқий ворис бўлмаган тақдирда ёки юридик шахс тугатилгандан кейин жабрланган ва товон тўланиши ҳуқуқига эга бўлган шахсларга республика Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 февралдаги қарорига мувофиқ ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маблағларидан тўланади. Шундан келиб чиққан ҳолда Тошкент шаҳар Ҳамза туман ижтимоий таъминот бўлимига нисбатан даъво аризаси киритилди.

Куни кеча шу масалани фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод туманлараро суди кўриб чиқди. Унда даъвогарнинг манфаатини республика Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Марказий кенгашининг ишончли вакили Ў. Адилов қўллаб-қувватлаб, уни қаноатлантирилишини сўради. Суд даъвогар Кошиб Маъдиевнинг фойдасига Тошкент шаҳар Ҳамза тумани ижтимоий таъминот бўлими орқали бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маблағидан соғлиғига етказилган 3 миллион 423 минг 132 сўм моддий зарарни ундириш ҳақида қарор чиқарди. Шунингдек, даъвогар жорий йилнинг 1 октябридан бошлаб ҳар ойда 26 минг 856 сўм миқдорида соғлиғига етказилган зарар учун товон пули ҳам оладиган бўлди.

Бу ҳуқуқий демократик давлат қонунларини писанд қилмаётган айрим масъул ўртоқларга ҳам сабоқ бўлар, деган ниятда ушбу мақолани чоп этмоқдамиз.

**Р.НЕЪМАТОВ**

**Замондошларимиз**



# ДАЛАМНИ СОҒИНИБ ЯШАЙМАН

***Сайфулло гарчи кеча уйига ярим тунда қайтган бўлса-да, доимий одати бўйича барвақт уйғониб қадрдон даласи томон отланди. Ҳали бу пайтда Облогўй қишлоғининг хўрозлари қичқиришга улгурмаган эди. Қишлоқ оралаб, бундан бир неча ўн йиллар илгари асфальтланган, бугунги кунда таъмирга муҳтож бўлиб, ўйдим-чуқур йўлдан яёв даласига келди. Шу ерлик аҳоли Шоҳруддарё деб атайдиган катта ариқ ёқаларидаги адоқ ерларни бирма-бир айланиб чиққанида қуёш эндигина ётоғидан бош кўтарганди.***

Бир муддат ариқ бўйида ўтириб тин олди. Баданни жунжитадиган эрталабки куз шамолига эътибор бермай, қишлоқ фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган йиғилишни кўз ўнгидан ўтказди. Сайфулло Жумаев туман ҳокимидан эшитган мақтовни эслаб, кўнгли яна бир карра кўтарилди. «Сайфуллобой, ҳалол ва баракали меҳнатларингиз учун раҳмат. Яна режани ошириб бажардим деб, кузги юмушларни сустлаштирманглар...» Ҳокимнинг бу сўзларини такрор-такрор ёдга олди. Шу ернинг ўзида куннинг янги режасини тузди.

— Мен даламни соғиниб яшайман, — дейди фермер С.Жумаев. — Бу ерлар аждодимизга ризқ-рўз берган. Бугун 75 ёшни қаршилаётган отам Ҳасан Жумаев ярим аср шу ҳудудда механизаторлик қилган. Умрини деҳқончиликда ўтказаётган Файзулло акам — агроном. У менинг яқин кўмакдошим ва маслаҳатчим. Умр йўлдошим Гулнора Сатторова, қизларим Гулмира ва Гулчирой, қўйингки қариндош-у қишлоқдошларимдан 60 киши деҳқончилик қиламиз. Шукур, элдан ортда қолаётганимиз йўқ.

Йўлда Сайфуллодан фермер хўжалиги ҳақида гапириб беришини сўрадик. Камгапгина экан, қисқа гапирди. Мактабдан кейин автомобил йўл техникумини битирди. Мутахассислиги бўйича бироз шаҳарда ишлагач, отасининг маслаҳати билан она қишлоғига қайтди. Бухоро вилояти Вобкент туманидаги собиқ «Хайробод» ширкат хўжалигида пудратчи, бош пудратчи бўлиб меҳнат қилди. Ерга бўлган меҳри туфайли эл ҳурматини қозонди.

— Бундан уч йил илгари ўз хоҳиш-иродам, қишлоқдошларимнинг ишончи ва қўллаб-қувватлаши билан «Сайфулло Жумаев» фермер хўжалигини ташкил этгандик, — дейди у. — Меҳнатимиз натижаси ёмон бўлмаяпти. Фермерлик давригача бу ерлар кўпи билан пахтадан 28-29 центнер, дондан 30-31 центнер ҳосил берган. Бугунги кўрсаткичлар эса сал бошқачароқ.

Фермернинг таъкидлашича, ер ўз эгаси қўлига тушгач, унга муносабат ўзгарган, даромад ҳам кутилганидан зиёд бўлаяпти. Масалан, жорий йилнинг ўзида 31 гектар ғаллазорнинг ҳар гектаридан 55 центнердан ҳосил олинган. Давлат режаси ошириб бажарилиб, жамоа аъзолари омборларида 47 тонна дон қолган.

80 гектар майдонда ғўзанинг «Бухоро-6» нави парвариш қилинди. Бунда механизаторлар Ғайбулло, амакиси Абдулло Жумаевлар, жияни Камол Тошев, сувчилардан Салим Сатторов, Султон ва Бахшилло Жумаевлар, Эркин ва Бахтиёр Саноевларнинг хизмати катта бўлди. Уларнинг жонбозлиги туфайли сув танқислиги ва гармсел офатларидан ҳосил сақлаб қолинди. Бу эса пахта хирмонининг баракали бўлишини, йиллик режа биринчи терим билан бажарилишини таъминлади. 350 тонналик марра эгалланди.

— Оиламиз билан 4 киши бўлиб йиғим-теримда қатнашдик, — деди Фотима Мустафоева. — Турмуш ўртоғим ва икки ўғлим билан 10 тоннадан зиёд дурдона тердик. 500 минг сўмга яқин ҳақ олдик.

Бир ойда — 500 минг сўм. Бу — қишлоқда яшаётган ҳар бир оиланинг кўпчилик ҳавас қиладиган даромади. Ҳиммат Бозорова, Маҳфират Тошева, Умринисо Қодирова, Юсуф Сатторовлар ҳам терим пайтида яхши даромад олдилар.

Хайрлашаётган пайтда фермер Сайфулло Жумаевдан жамоанинг даромадлари ҳақида сўраганимизда у бултур 50 миллион сўм соф фойда олганини айтиб қолди.

— Машинангиз борми? — бехосдан ундан сўрадик.

— Йўқ. Велосипедим бор.

— Шунча фойданинг бир қисмига янги бир «Нексия» ёки «Матиз» олсангиз бўлмайдими?

— 2 та трактор сотиб олдик. Бироз хайрли ва савобли ишларга ҳам қўл урдик.

Фермер бултурги даромади ҳисобидан анча ишларни амалга оширибди. Масалан, қишлоқни газлаштириш учун 600 минг сўм ажратилиб, «Шанба» қишлоқ ҳакимлик маскани қурилишига 300 минг сўм ҳомийлик ёрдами кўрсатилган. Милиция таянч пунктига янги компьютер олиб беришибди. Шунингдек, 27-мактабга 500 килограмм дон, кам таъминланган оилаларга қўшимча моддий ёрдам кўрсатилган...

Жорий йилда фермер С.Жумаев 70 миллион сўм соф фойда олишни кўзлаб меҳнат қилмоқда. Унинг асосий қисмини ободончиликка, жумладан, қишлоқ йўлини асфальтлашга, болалар спортини ривожлантиришга сарфламоқчи.

**Иззатулла ҲОЖИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

**Ёдномa**

# Мактаб яратган соҳибкор

***Ўзбекистонда соҳибкорлар узумчилик билан кўпдан бери шуғулланиб келишади. Диёримизда етиштирилган энг қадимги узум хиллари, яхши майизлар ва ундан олинган мусаллас, шарбат ва шиннилар ҳам анчадан бери маълум.***

Бу узумлар орасида ҳосилдорлиги, боши ва ғужумлари йирик ҳамда чиройли бўлиши билан ажралиб турадиган навлари талайгина. Уларнинг аксарияти машҳур соҳибкор Ризамат ота Мусамуҳаммедов томонидан кашф қилинган. Бу ажойиб инсон таваллудининг 125 йиллиги шу кунларда нишонланмоқда.

Ёш боғбон 14 ёшида отаси ўстирган «Дегрез» токчилик хўжалигида бойларга хизматкор бўлиб ёлланди. Ўзининг қобилияти ва ишга ихлос билан қараши орқасидан тажрибали соҳибкор бўлиб етишди. Ризамат ота 70 йилдан ортиқ умрини узумчиликка бахшида этди. Кекса агрономлар ва соҳибкорлар, бир гектар токзордан Ризамат отанинг 40, ҳатто 60 тонна узум олиши бизга мўъжиза бўлиб кўринади, деб ҳайрон қолардилар.

Устоз боғбон ўтқазган токлар иккинчи йилдаёқ ҳосилга кириши ҳам кўпларни ҳайратда қолдирарди. Бундай ютуқларга Ризамат ота ўзи киритган янгиликлари асосида эришганди.

У Тошкент вилоятидаги Оққовоқ марказий агротехника станциясида катта токзор барпо қилди. Ўзи ўйлаб чиқарган усулларда ўстирилган токнинг айрим участкаларда гектаридан 500 центнердан 700 центнергача ҳосил олиб, бутун узумчилик дунёсини таажжубга солди.

Серҳосил ва яхши нав токларни пайванд қилиш, пархишлаш йўллари билан кўпайтирди. Чатиштириш орқали сифатини яхшилади. Ҳар йили кўплаб узум навлари ва кўчатларни тарқатарди.

У Оққовоқ токзори ҳузурида уюштирилган узумчилик курсида юзлаб шогирдларни етиштирди. Илмий ходимлар, талабалар ҳам устоздан кўп тажрибаларни ўрганишди. Уста соҳибкор ўзининг узоқ йиллик изланишларига якун ясаб, узумчиликка доир каттагина бир китобни ўзбек ва рус тилларида чоп эттирди.

Машҳур боғбоннинг меҳнати муносиб тақдирланди. У қатор олий даражадаги мукофотларга сазовор бўлди. Бугунги кунда ҳам Ризамат отанинг бой тажрибаси ёш соҳибкорлар учун маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилаётганини фахр билан ёдга оламиз.

**Акбар АЛИЕВ**

# «ҲУШЁР БЎЛАЙЛИК!»

Онаизорнинг тўнғич фарзандининг тобути устидаги фарёди таъзияга тўпланганларнинг юрак-бағрини ўртаб юборди. Энди ўттизни қоралаганди-я, боякиш! Аммо орадан бир ҳафта ўтмасдан яна шу хонадонда таъзия бўлди. Бу гал йигирма саккиз ёшли ўртанчи ўғил...

Оила бошига тушган кулфатни ҳар ким ўзича изоҳлади. Шифокорлар эса марҳумларга гиёҳвандликнинг оқибати, деб ташхис қўйишди.

Халқимизда — ҳашар, элга ярашар, деган гап бор. Айниқса, бу удум Хоразм воҳасида кенг сақланиб қолганлигини кўпчилик яхши билади. Бироқ оғуфурушлар ота-боболар анъанасига шак келтириб, ундан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишмоқчи бўлишди.

Ўша куни ҳашар баҳона базму жамшид узоқ давом этди. Қадаҳлар устма-уст кўтарилди, мақтовлар кўп айтилди.

— Зиёфат бўлса, ростакамига қилайлик, — деди хонадон соҳиби, косагул Бахти Эрқулов (исм-фамилиялар ўзгартириб ёзилмоқда. А. Ҳ.) ўз шаънига билдирилган мақтовлардан талтайиб. Даврa бошининг бу таклифи бошқаларга ҳам маъқул келганди.

— Тайёри борми, — сўради у Равил Бекпошшаевдан.

— Айни кўнглимни топдингиз ака, шу йилги «маҳсулот»ни яқинда узиб, қуритишга қўйгандим, ҳозир олиб келаман. Татиб кўрайликчи, «зўр», бўлса, бозоримиз авж олди деяверинг.

Равил дилидаги режаси амалга ошаётганидан хурсанд ҳолда ғизиллаганича заҳриқотилни олиб келди.

— Тирноқдан сочнинг толасигача зириллатади-я, занғар, гапга аралашди сархушликдан тили зўрға айланаётган Кенжабек Келмасов. — Ўзимизга етарлича олиб қолайликда, қолганини тезроқ пулламасак, ҳамён ҳам бўшаб қолган. Сўнг, янаги мавсумгача мазза қилиб юраверамиз, дея қўшиб қўйди у.

Фикри бузуқнинг режаси ҳам ёмон бўлади, деганлари рост экан. Ҳамтовоқлар шу куни ўзлари етиштирган гиёҳванд моддани бир неча бўлакларга бўлиб, сотишга тайёрлашди. Бир зумда бойиб кетиш орзуси уларни яна дастурхон атрофига тўплади. Қадаҳлар қайта тўлдирилиб, бир-бирини ялаб-юлқашди.

— Эсон-омон ўтказиб олсак, ҳаммангни бир ҳафтага Ялтага олиб бораман, — дерди уй соҳиби меровланиб. Бироқ, нопокларнинг режаси узоққа бормади...

Бангифурушлар қилмишига яраша жазосини олди. Мақолага шу жойда нуқта қўйиш мумкин эди, бироқ бир мулоҳазали фикр бор: яъни жиноятчилар ўз қилмишларидан пушаймон бўлишганмикин, деган ҳақли савол туғилади.

Афсуски, бунга «албатта» дейиш қийин. Негаки, ана шу гуруҳ аъзолари илгари ҳам нопок ишлар билан шуғулланишган. Кўплаб хонадондаги ёшларни йўлдан оғдириб, жиноятга бошлаган ва бир неча бор судланишган эди.

Ачинарлиси, Бахти истиқомат қилган «Нукус» кўчасида, ёхуд Кенжабек туғилиб ўсган Мадраҳимов номли кўчада ва Равил яшаган К. Отаниёзов номли кўчаларнинг ҳар бирида маҳалла кенгашлари, фаоллар бор. Жиноятчиликнинг олдини олишда ва аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришда ҳамда турли мавзулардаги суҳбатларни янада жонлантиришда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари қаторида уларнинг ҳам ўз ўрни ва бу борада бажариши лозим бўлган юмушлари бўлиши керак эди.

Мазкур жиноят ишидан хулоса шуки, ҳали маҳаллаларда ёшлар тарбиясини шакллантириш ва улар шуурида маънавиятни юксалтириш бўйича кўп ишлар қилиш лозим.

**Қўчқорбек РАҲИМОВ,**
**Гурлан тумани прокурори,**
**адлия маслаҳатчиси**
**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
**«Ишонч« мухбири**

# ҲАМКОРЛИК



*Ўзини-ўзи бошқариш органларининг асосий вазифаси фуқароларни ижтимоий, иқтисодий, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш билан бирга, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишдан ҳам иборатдир. Бунда қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинларининг ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорлик қилиши муҳим ўрин тутади.*

*Янгийўл тумани ИИБ ходимлари маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғини оқсоқоллари билан келишилган ҳолда жойларда бўлишиб, йиғилишларда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонунчиликка оид саволларига жавоб бермоқдалар, ҳуқуқий жиҳатдан кўмаклашмоқдалар.*

**Суратда: туман ИИБ паспорт бўлинмаси бошлиғи, майор Валижон Абдусатторов, Ниёзбоши қишлоқ фуқаролар йиғини «Ойбек» маҳалла оқсоқоли Бекмирза ота Холмирзаев ҳамда маҳалла фаоли Малика Эшонқуловалар билан суҳбат пайтида.**

**А.ХУДОЁРОВ олган сурат**

**Мулоҳаза**

# ОВУЛЛАР МЕҲРГА МУҲТОЖ

***Томди тумани поёнсиз чўл-сарҳадлардан иборат бўлиб, у 4248,9 кв. км. майдонни ташкил этади. Бу республикамиз жами ер майдонининг 9,6 фоизи демакдир.***

***Бундан 3 — 4 йил аввал 35 та аҳоли пункти, 7 та овулларга бирлаштирилган кенгликларда 24 минг аҳоли истиқомат қилиши қайд этиларди. Айни пайтга келиб маҳаллий ёшларнинг ўзларига сердаромадроқ иш ахтариб, қўшни ҳудуд ва шаҳарларга чиқиб кетаётганлиги натижасида аҳоли сони 21 минг нафарга тушиб қолди.***

Туман ҳокими Алимамбет Назаров билан бироз аввал бўлиб ўтган мулоқотимиз чоғида аҳоли ва чўпончўлиқлар яшаш шароитларини янада яхшилаш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида суҳбатлашгандик. Бинобарин, кундан-кунга кўрк очаётган Томди маркази, қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи, мактаб-интернат ва бошқа қулайликлар ана шундай саъй-ҳаракатлар самарасидир. Чўл фидойилари қадр топаётганлигини белгиловчи том маънодаги омиллар ҳам оз эмас. Аввалги йили «Бирлик» ширкат хўжалиги бош чўпони Серикбой Сагатовга давлатимизнинг юксак мукофоти — «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилганди. Мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллиги арафасида эса «Керегетау» овул фуқаролар йиғини раиси Сотиболди Айдарбеков «Дўстлик» ордени билан мукофотланди.

Нимасини айтасиз, чўл ёзининг «нози» ўзгача. Кафтдек соя бўлмаган саҳрода ҳарорат 50, ҳатто ундан ҳам ортиб кетган пайтлар кўп бўлади. Қишнинг аччиқ изғиринларини-ку эсламай қўя қолайлик. Совуқ нақ қулоқ-бурунни кесиб кетадигандек. Ҳаёт оқими шиддатларидан олисда яшашнинг ўзиёқ катта жасорат.

Гап мамлакатимиз ҳар бир фуқароси манфаатлари хусусида кетар экан, яна бир ўз ечимини кутаётган муаммо хусусида тўхталмасак бўлмайди. Кўтан ва фермалар, қолаверса, аҳоли яшаш жойлари марказдан ниҳоятда олислиги учун машина, от-уловлар ҳам баъзан етолмайди.

Маҳаллий аҳолининг фикрича, ҳаёт огоҳликлари учун рациялар хизмати камлик қилади. Озиқ-овқат ва таъминотдаги бошқа шарт-шароитлар хусусида муттасил ғамхўрлик қилиш имкони бўлмайди. Шунинг учун чўпонларнинг ўз фермалари ва ширкат хўжаликлари билан тузиладиган ўзаро шартномаларида оила иссиқ овқати ҳамда моддий ҳимояланиш хусусида янада манфаатли бандлар киритилса, айни муддао бўларди.

Хизмат қилган — элда азиз, дейдилар. Қайд қилганимиздек, «Дўслик» ордени «Керегетау» овул фуқаролар йиғини раиси С. Айдарбековга ўз-ўзидан берилгани йўқ. Раҳбарнинг тиниб-тинчимаслиги, ишнинг кўзини билиши туфайли ўрта мактаб сифатли капитал таъмирдан чиқарилди. Қишлоқ врачлик пункти ишга туширилиб, унда доимий ишлаш учун қўшни Нурота туманидан врач таклиф этилган. Бунга эришиш осон кечмаганлиги ўз-ўзидан тушунарли. Сезган бўлсангиз, гап ишнинг «қаловини топиш» устида бораяпти.

Бироқ, бошқа кўплаб аҳоли пунктларида ишлар шу тахлитда йўлга қўйилиши қийин кечяпти. Шу ўринди бир фикр. Ҳокимликлар ва уларнинг бошқармалари ташаббуси билан маҳаллий Томди ва шунга ўхшаш транспорт коммуникацияларидан анча олисда жойлашган туман ёшларини энг зарур соҳалар, масалан, соғлиқни сақлаш ва таълимга оид олий ҳамда касб-ҳунар коллежларида қўшимча имтиёзлар асосида ўқитилса, муаммо ечими осонлашармиди...

Шу ўринда яна бир соҳа —тадбиркорлик, шунингдек кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ишлари ҳам бир жойда депсиниб турибди. Ички ва ташқи имкониятлар, талабгор аҳоли вакиллари истаклари кўмакдошлик асосида ўрганиб чиқилса, ишлаш учун енг шимарган ёшлар, ишбилармонлар шу атрофдан топилмасмикан?

Маълумки, маҳалла ва овуллар фуқаролар йиғини раислари ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган ислоҳотлар халқчиллиги ҳамда ҳозиржавоблигини таъминлашда ҳал қилувчи ўрин тутади. Бироқ, кўпгина овул раислари аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари билан ишлаш, уларнинг моддий фаровонликларини ошириш борасидаги ўз вазифаларини теран англаб етмаётирлар. Туман прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси Равшан Ибрагимов шундай дейди:

— Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларини ташкил этиш тўғрисида»ги ҳамда 1996 йил 10 декабрдаги «Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ижроси юзасидан туман овул фуқаролар йиғинларида текширишлар ўтказилди. Шу жараёнлар ичида айнан баъзи йиғин раисларининг ўз ваколатлари ҳамда мазкур қонун талаблари тўғрисида умуман тушунча ва кўникмаларга эга эмасликлари ошкор бўлиб қолди. Хусусан, Сокетти, Кериз овул фуқаролар йиғини раислари аризаларни рўйхатга олиш дафтарини тўғри юритиш, Низом бандлари асосида нафақа тайинлаш ёки уни тайинлашни рад этиш тўғрисида муайян тушунчага эга эмаслар. Нафақалар талабга зид равишда, йиғин раислари томонидан якка тартибда ҳал этилиб, кўпгина камчиликларга йўл қўйилган.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунининг 40-моддасига асосан туман ҳокими номига тегишли тақдимнома киритилди.

Ҳаёт — бетўхтов камолот йўлидир. Инсон эзгуликни ва улуғликни, шу каби улуғланишни ҳам орзу қилиб яшайди. Шундай экан, бирор бир фуқаро қаерда ва қандай шароитда яшашидан қатъий назар, ҳимоясиз қолмаслиги шарт.

**Мансур АЛОВУДДИНОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

**Гиёҳвандлик — аср вабоси**



# НАДОМАТ КЕЛТИРГАН МЕРОС

Файзулла Раҳмонов худо раҳматли отасини сўнгги йўлга кузатгач, унинг болиши остидан оқ қоғозга ўралган, «бели» резинка билан танғиб қўйилган нарса топиб олди. Очиб қараса, вазни тахминан 90-95 граммча келадиган қорамтир гиёҳванд модда экан. Ўғил уни бурнига яқин тутиб, ҳидлаб кўрди. Бўйи ўткирлигидан димоғини қира бошлади. Файзулла уни ловуллаб ёниб турган оловга отиб юбормоқчи ҳам бўлди. Бироқ, фикридан қайтди. «Ахир бу озмунча пуллик нарса эмас. Бир мисқоли фалон пул-ку!» деди-ю, қоғозга ўраб, қўлтиғига урди. Сўнг ертўлага олиб тушиб, кўмиб қўйди.

Ҳаш-паш дегунча бир йил ўтиб кетди. Лекин гоҳи-гоҳида Файзулланинг ичи ғимирлаб, отамерос бойликнинг фойда келтирмай ётиши тинчлик бермасди.

Ўйлай-ўйлай бир қарорга келди. Қўшработлик Расулберди Чўтбоевга «сир»инининг учини чиқариб қўйди. Чўтбоев ҳам бу ишни хамирдан қил суғиргандек, ими-жимида ҳал қиламиз дея ваъдани бериб юборди.

Чўтбоев обрў-эътиборли йигит. УзБАТ қўшма корхонаси Ургут бўлимига қарашли Қўшработнинг тамакичилик ерларида танилган. Аграном деган номи бор. Бекордан-бекорга Файзуллага ваъда берармиди? Фойдада унинг ҳам улуши бўлади-да. Кунларнинг бирида Нортой исмли таниши қотмадан келган, сипо йигитни бошлаб келди. Илтифотли экан. Биз ургутликлар билан ишлаймиз. Агар танишлар бўлса, қора дорининг «тозасидан топишимизга ёрдам қилинг» деб қолди. Чўтбоев бироз каловланган эди, меҳмон яна тилга кирди. «Акажон, биз насияга иш қилмаймиз, мана шу пулга лойиқ топилса бўлгани». Бир даста пуллар Расулбердининг кўзларини ўйнатиб юборди. Истихолани четга сурди-ю, лип этиб машинанинг олд ўрнига ўтириб олганини ўзи ҳам билмай қолди. Улов тез орада Ургут туманининг Бешкапа қишлоғига яқинлашиб борарди. Муюлишдан ўтиб, кўркамгина уй ёнига етганда, тўхташди. Дарвоза ёнига чиққан Файзулла Расулбердини кўриши ҳамоно мақсадни тушуниб, меҳмонларни ичкарига таклиф этди. Ҳол-аҳвол сўрашиб ўтирганларида ҳалиги Жаҳонгир деган йигит 400 минг сўмни дастурхон четига чиқариб қўйди. «Вақтимиз зиқроқ эди, ака. Бизга шу пулга лойиқ қорадоридан зарур бўлиб қолди» деб мақсадга кўчди.

Расулбердига зимдан сирли боқиб қўяркан, Файзулла хулоса чиқаришга юраги дов бермади. — Менда бунча пулли дори ҳеч қачон бўлмаган. Танишлардан суриштириб кўришим мумкин.

Шундай деб мезбон ташқарига чиқди. Мерос қолган ўрамни олиб чиқмоқчи ҳам бўлди. Лекин қалтис замонда ишониб бўларканми? Ҳарқалай, шубҳалари устун келиб шаштидан қайтди.

— Сўраб-суриштирдим, оғалар. Уларда ҳам йўқ экан. Начора, янаги гал келгунингизча топиб қўярман.

Омади чопмаган «меҳмон»лар ортга қайтишга мажбур бўлишди. Аммо кўп ўтмай жазмани Расулбердининг йўлида яна пайдо бўлди. Шубҳаланмаслиги учун ҳалиги 400 минг сўмни «Зарурат туфайли Жаҳонгирдан олдим» мазмунида тилхат ёздириб олиб, Расулбердида қолдирди. Шундан сўнг Чўтбоев ўша куниёқ Ургутга бориб моддани Файзулладан олиб қайтди. Жаҳонгир машинасида қорадорини олиб кетаркан, Расулбердидан саховатини аямай, унга ошиқча пул ҳам ташлаб кетди. «Қандингни ур, Чўтбоев!» дер эди. Расулберди қўлидаги пулларга тикилиб, сўнг уларни санашга тушди. Айни шу пайтда эшик очилиб, уйига ИИБ тезкор ходимлари кириб келишди.

Самарқанд вилоят судида иш кўриб чиқилиб, Ф.Раҳмонов ва Р.Чўтбоевлар айбдор деб топилдилар. Ҳар бири 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Дарвоқе, Файзулла қўлга олинган кундан икки кун ўтиб, унинг хонадонида марҳум отасининг йилошиси белгиланди. Унда ўқилган дуо-ю, калималарнинг ажрим-савоблари нур бўлиб, марҳумлар қабрига ёғилиши аниқ. Аммо, меҳнатсиз бойликдан келган дашном ва надоматлар эса...

Нима ҳам дер эдик. Ҳар ким экканини ўради.

**Алишер ШЕРМАТОВ,**
**Қўшработ туман прокурори**

● Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига

# ЖАҲОН ТАМАДДУНИНИНГ МЕҲВАРИ



(Боши 1-бетда)

Масжидда бир вақтнинг ўзида 5 минг киши номоз ўқиши учун имконият яратилди. Ҳар томонлама қулайликларга эга қариялар чойхонаси қурилди, гулзорлар барпо этилди.

Бундан ташқари, Одина жомеъ масжиди, Сардоба, Хўжа Убайд Жарроҳ зиёратгоҳлари таъмирдан чиқарилди. Бинолар қурилишида табиий иқлим шароитлари ҳисобга олинганлиги иморатлар чидамлилигини оширади.

Узунлиги 136, эни 8,5 метр бўлган Қашқадарё кўприги Касби туманидаги «Қурувчи» ишлаб чиқариш ширкати томонидан тўлиқ таъмирланди. Бир вақтлар шаҳарнинг шимолий дарвозаси вазифасини ўтаган қадимий кўприкдан автомобил карвонлари ўта бошлади.

## УМРИБОҚИЙ ИМОРАТЛАР

Қаршида мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари — 2006» мусобақалари республика босқичи, мамлакат аёлларининг иккинчи анъанавий спартакиадаси уюшқоқлик билан ўтказилганлиги шаҳарнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий салоҳияти ва нуфузини янада оширди.

Вилоят марказидаги 50 гектарлик майдон бундан икки йил илгари бўмбўш кенглик ва сайхонликдан иборат эди. Ҳозир бу жойни осмонўпар иморатлар эгаллаган. Тижорат банклари, «Нуристон» академик лицейи, касб-ҳунар коллежларининг бир-бирини такрорламас кўркам иморатлари ҳозирги замон меъморчилигининг ҳақиқий намунасидир.

Қисқа муддатда вужудга келган спортчилар шаҳарчасида йигирмадан ортиқ спорт тури билан шуғулланиш имконияти бор. Тунлари янада чароғонлашиб, юлдузлар билан баҳслашаётган улкан мажмуага ҳавас ва ҳайрат билан боқасиз. 9 миллиард сўм маблағ сарфланиб бунёд этилган Олимпия заҳиралари коллежининг компьютерлашган ўқув хоналари, ҳар қандай халқаро мусобақаларни ўтказиш мумкин бўлган спорт заллари ва майдончаларини кўрган киши қўли гул бинокор Ҳайит Тожиев бошлиқ қурувчилар маҳоратига таҳсин ўқийди.

Олимпия заҳиралари коллежи коммуникациявий қулайликлари жиҳатдан нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. 16 гектарлик майдонни эгаллаган таълим масканида 900 талабага мўлжалланган ўқув мажмуи, ёпиқ спорт манежи ва сузиш ҳавзаси, унинг ёнгинасида 20 минг ўринли марказий стадион барпо этилган. Ўйингоҳнинг югуриш йўлакчаларидаги тўшамалар Германиядан келтирилган бўлиб, халқаро мусобақаларни ўтказиш талабига тўлиқ жавоб беради.

«Насаф» марказий ўйингоҳи ёнида 1 миллиард 216 миллион сўм маблағ эвазига замонавий сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилди. Республика касаба уюшмалари Федерацияси ҳомийлигида қурилган янги мажмуа ёнида 100 миллион сўм харажат қилиниб, қўл тўпи, баскетбол, волейбол каби спорт турлари билан шуғулланиш учун мўлжалланган янги мажмуа бунёд этилди. Бундан ташқари, касаба уюшмалари томонидан «Насаф» ўйингоҳини таъмирлашга 485 миллион сўм сарфланди.

«Қашқадарёнефтгазқурилиш» ҳиссадорлик жамияти «Ўзбекистон» кўчасида 40 хонадонга мўлжаллан- ган 5 қаватли турар жойни қуриб битказди. Бир йил ичида 200 дан ортиқ савдо ва умумий овқатланиш тармоқлари ўз фаолиятини бошлади. Ўзбекистон, Насаф, Жайҳун, Амир Темур кўчаларига асфальт ётқизилди. Қисқа муддатда 20 километрлик йўллар юзага келди.

## ФАВВОРАЛАР ШАҲРИ

Бундан ярим аср муқаддам сув танқис бўлган Қаршида бугун нима кўп, фаввора кўп. Ҳисор тоғларидан кесиб олинган Китоб мармари билан безатилган фавворалардан оби-ҳаёт зарралари теварак-атрофга марварид доналаридек сочилади.

Мустақиллик майдони, Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат ҳамда Болалар боғлари, спортчилар шаҳарчаси, боғча ва мактаблар ҳовлисида самога отилаётган томчилар кўнгилга завқ бағишлайди.

Фавворалар нафақат ҳуснкорлиги билан ажралиб туради, балки атроф-муҳитнинг мусаффолигини таъминлаш, кишилар қалбига салқинлик бағишлаш билан бирга шаҳар кўркига-кўрк қўшади.

77 гектарлик Алишер Навоий номли боғни ободонлаштиришда ҳамма шаҳар ва туманлар фаол қатнашди. 10 гектарлик майдонда майсазор яратилиб, сув пуркагичлар ўрнатилди. «Талимаржон ГРЭС»и қурилиши бошқармаси бунёдкорлари кучи билан 2800 кишилик амфитеатр барпо этилиб, 4 миллиард сўмлик қурилиш-ободонлаштириш ишлари бажарилди.

Шаҳарнинг ҳаво дарвозасидан Москва, Андижон, Тошкент йўналишлари бўйича самолётлар қатнови йўлга қўйилган. Темир йўл бекати қайтадан таъмирланиб, йўловчилар учун барча қулайликлар яратилди.

## ИПАК ЙЎЛИДАН ЎТАР КАРВОНЛАР...

Ўтмишда Насафдан Мағрибу Машриққа воҳада етиштирилган нозу неъматлар, ҳунармандчилик маҳсулотлари ортган карвонлар мунтазам қатнаб турган. Шаҳарнинг қоқ марказида Шарқ меъморчилиги ва ҳозирги замон архитектурасини уйғунлаштирган 520 ўринли марказий деҳқон бозори қурилиши ниҳоясига етказилаяпти. Тадбиркорлар томонидан савдо расталари қурилиши учун 2 миллиард сўмликдан ортиқ маблағ сарфланди.

Савдо тармоқлари қаторида кекса соатсоз уста Убайдулла Ғаффоровнинг «Вақт» хусусий корхонасига қарашли «Интернет кафе» ўз мижозларини қабул қила бошлади. Абдуназар Тиловов бошлиқ механизациялашган қурилиш бошқармаси бунёдкорлари ускуналаш ва пардозлаш юмушларини юқори сифатли қилиб амалга оширдилар.

Қаршининг кўриниши тубдан ўзгарди. «Экология ва саломатлик кунлари» кўрик-танловининг республика босқичида бу гўша энг обод ва кўркам шаҳар деб топилди. Шаҳарга ободончилик ишларида қўлланиладиган, қиймати 3,6 миллион сўмлик техника воситалари топширилди.

Кўча ва хиёбонларга 200 минг тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари экилди. Гулзорлар барпо этилди. Майдонлар ва хиёбонларга, кўча ва гузарларга боқсангиз анвойи гулларга кўзингиз тушади.

Биргина Озод Умиров раҳбарлик қилаётган хусусийлаштирилган кўкаламзорлаштириш корхонасининг ярим гектарлик иссиқхоналарида 60 хилдан зиёд гуллар етиштирилаяпти. Мавжуд 32,5 гектарлик майдонда 1,5 миллион тупдан ортиқ моживилник, сосна, туя, кипарисс, терак, ясен, клион, катальпа, мажнунтут, атиргул, дуб, каштан каби манзарали, ўрик, олма, бехи, шафтоли, кароли, нок, бодом сингари мевали дарахт ниҳолларидан 100 минг тупи истеъмолчиларга етказиб берилди.

Эрта тонгда шаҳар кўчаларини айланган кишининг субҳидам шабнамида кўзни олгудай жимирлаётган анвойи гулларга, ям-яшил дарахтларга нигоҳи тушиб, бахри-дили очилади. Кечалари ёруғ, кундузлари чароғон гўзал шаҳар кўркамлик касб этиб, яшил либосга бурканган. Истиқлол эпкинларидан кўксини тўлдириб нафас олаётган қаршиликлар қўшалоқ юбилейни шодиёналик билан кутиб олмоқдалар.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

● Пойтахтимиз меҳмонлари

***Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилоят мусиқали театри жамоаси Ўзбек Миллий Академик драма театри саҳнасида тошкентликлар ва пойтахт меҳмонларига учта спектаклини намойиш этди. Мухтор Худойқуловнинг «Ибтидо» (фалсафий мулоҳаза), шоир ва драматург Охунжон Ҳакимовнинг «Бу чоллар, ёмон чоллар» ҳамда Тоҳир Маликнинг «Заҳарли томчилар» асарлари томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.***

# ГУЛИСТОН ТЕАТРИНИНГ САФАРИ



Мазкур асарларда ёшларни юксак маънавият ва баркамоллик руҳида тарбиялаш, одамлар ўртасидаги меҳр-муҳаббат, Ватанга садоқат туйғулари тараннум этилган.

Бунда, албатта, театрнинг ёш, иқтидорли бош режиссёри Гулруҳ Нажидованинг, қолаверса, кўп йиллар мобайнида фаол ижод қилиб келаётган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Озода Абдуллаева, Адҳам Абдуллаев, Маматхон Асқаров, Рўзимат Каримов, Мавлуда Маматиллаохунова, Адҳам Юсуфалиев ҳамда иқтидорли санъаткорлар Иброҳим Қосимов, Раъно Юнусова, Фарҳод Ўринов, Раъно Ҳайитоваларнинг ҳиссаси катта.

Кенг томошабинлар, қолаверса, театршунос-мутахассислар ҳам кўрсатилган асарларга юқори баҳо беришди.

**Дилфуза Раҳматуллаева, санъатшунослик фанлари доктори:**

— Сирдарё вилоят мусиқали театрининг пойтахтдаги сафари ушбу жамоада ўзига хос ижодий жараён кечаётганини кўрсатмоқда. Театр жамоаси намойиш этган асарларининг ҳар бири режиссурада ҳам, актёрлар ижросида ҳам, сценографияда ҳам танланган йўл тўғрилигини, бу борадаги ишларни янада мустаҳкамлаш зарурлигини кўрсатади.

Вилоят театри жамоаларининг бугунги ҳолатини ўрганиш, улар фаолиятини янада жонлантиришга йўналтирилган бу каби тадбирларни фақат қўллабқувватлаш лозим.

**Гулруҳ Нажидова, Гулистон театри бош режиссёри, Ёш режиссёрлар фестивали ғолиби:**

— Ушбу театрга 2003 йилда Тошкентдан ишга борганман. Ўтган йиллар мобайнида театрнинг аҳил, иқтидорли, заҳматкаш жамоаси билан турли жанрда ўндан ортиқ саҳна асарларини яратдик. Шулар ичидан танлаб, пойтахтлик томошабинлар учун учта турли жанрдаги спектаклларни намойиш этдик. Сўнгги 20 йилда театр жамоаси ижодий сафар билан Тошкентга биринчи марта ташриф буюрди. Айниқса, спектаклларимизнинг Ўзбек Миллий Академик драма театрида қўйилиши биз учун катта бахт.

**Эсон Ўринов, томошабин:**

— Гулистон театри жамоасининг спектаклларини яқиндан кузатиб бораман. Уларнинг охирги йилларда саҳналаштираётган асарлари томошабинларни хушнуд этмоқда. Миллий театримиз саҳнасида намойиш этилган спектаклларни мириқиб томоша қилдик.

**Раҳимжон ОРИПОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

● Турмуш чорраҳаларида

# ҲАЁТ ТАСОДИФЛАРГА ТЎЛА

***Абдуҳамиднинг педагогик фаолияти урушдан кейинги тинч қурилиш йилларида бошланди. У Самарқанд педагогика билим юртини тамомлагач, Пайарик туманига йўлланма олди. Уни Челак қишлоқ фуқаролар йиғини раиси илиқ қарши оларкан, бири-биридан одобли фарзандларни тарбиялаб етиштирган, ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этувчи Файзулла ота хонадонига бошлаб борди. Хонадон соҳиблари меҳмонларни ҳовлининг бир чеккасидаги сўрига таклиф этаркан, қадди-қомати келишган ёш муаллимга разм сола бошлашди. Йигитнинг туташиб ўсган қалин қошлари тагидан қора кўзлари чақнаб турарди. Унинг феълатвори ва муомаласи илк учрашувданоқ хонадон соҳибларига ёқиб қолганлиги учун улар ҳовлида бирга яшаб туришга бажонидил рози бўлишди.***

Челак қишлоғининг қоқ ўртасидан катта анҳор оқиб ўтар, ундаги кўприкнинг ночорлигидан, айниқса, қиш ва баҳор ойларида болалар мактабга қатнашга қийналишарди. Устига-устак синф хоналари тор, поли йўқ, эшик-ромлари очилса ёпилмас, қоронғи ва зах эди.

Урушдан кейинги тинч қурилиш йилларида қишлоқ болалари уйма-уй юриб йиғилар, уларнинг ота-оналарига маърифат ва илмнинг аҳамияти тўғрисида ётиғича тушунтириларди. Абдуҳамид меҳнаткашлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини бир дам ҳам сусайтирмади. Қишлоқдан бошқа жойни кўрмаган болалар кўз ўнгида аста-секинлик билан янгича дунё гавдалана бошлади.

Орадан ҳеч вақт ўтмай ёш муаллим мактаб учун қўшимча синф хоналари қуриш ташаббуси билан чиқди. Қишлоқ аҳли уни маъқуллаб, қўллаб-қувватлашди. Ҳадемай ишлар қизғин тус олиб, ота-оналар бир жон, бир тан бўлишиб, ғишт қуйиш, девор кўтариш, иморат томини ёпиш, сувоқ ва оқлаш каби ишларда камарбаста бўлишди. Бир нечта қўшимча кенг ва ёруғ синф хоналари ўқувчиларга совға қилинди. Ёш муаллим бўш вақтларида Файзулла ота ва Бувнар аяларнинг уй-рўзғор юмушларига ҳам қарашиб кетаверар, ҳовлидаги кичкинтой дўмбоқчалардан ширин сўзини аямасди. Бора-бора бу хонадон унинг севимли иккинчи уйи бўлиб қолди. Ана шундай серташвиш кунларнинг бирида хонадонда янги фарзанд дунёга келади. Шунда оила аъзолари баҳамжиҳат: «Ўғилчамиз ҳам Абдуҳамид каби халқ фарзандларини ўқитиб, тарбияласин», деб катта ниятлар билан чақалоққа муаллимнинг исмини беришди.

Ниҳоят, икки йиллик серташвиш йиллар кўз очиб юмгунча ўтиб, муаллим ўзи туғилиб ўсган қишлоғига қайтадиган бўлди. Бу қисқа муддат ичида у қанчадан-қанча болаларни саводли қилди. Кўплаб шогирдларни тарбиялади, ёр-биродар ва дўстлар орттирди. Энг муҳими, Файзулла ота оиласи ва хонадони Абдуҳамид учун энг яқин ва қадрдон бўлиб қолди.

Тасодифни қаранг, орадан неча йиллар ўтиб, Файзулла отанинг кенжа фарзанди Самарқанд Давлат университетини тамомлагач, тақдир тақазоси билан Абдуҳамид муаллим истиқомат қилаётган Жиззах вилояти Ғаллаорол туман Ўгат қишлоғидаги мактабга йўлланма билан ишга келади. Бир неча йил аввал нафақага чиқиб, кексалик гаштини сураётган устознинг хурсанд бўлганини бир кўрсангиз эди. Бўлажак муаллим Ўгат қишлоғи ва устоз ҳақида кўп эшитган эди. У қишлоққа келиб педагоглик қилишини хаёлига ҳам келтирмаганди. Қайтар дунё деб шуни айтадилар. Шундай қилиб бўлажак муаллим устоз хонадонида яшаб ёш авлодга физика фанидан дарс бера бошлади.

Бу вақтда Абдуҳамид ака нафақада бўлишига қарамай, бардам-бақувват, қишлоқнинг танилган чавандоз полвонларидан саналарди. Теварак-атрофдаги қишлоқларнинг тўй-томошалари улоқчопди-кўпкарисиз ўтмас, совриннинг кўпини Абдуҳамид полвон қўлга киритарди.

Илиқ баҳор кунларининг бирида Абдуҳамид полвонни ёр-биродарлари билан бир вақтлар муаллимлик қилган Челак қишлоғида бўладиган тўй тантанасига таклиф этишди. У бу ерда янги замонавий мактаб, турар-жой ва маданий-маиший биноларнинг бунёд этилганлигини, қишлоқнинг таниб бўлмас қиёфасини кўриб, роса суюнди.

Ўгатликлар шу кеч тўйхона атрофидаги қўноқларнинг бирида меҳмон бўлишди. Уларга ҳурмат юзасидан семиз қўй сўйилди.

Эртасига сайхонликда улоқ-кўпкари бошланиб, отларнинг дупури ва пишқириғи, ишқибозларнинг эса қий-чувлари бир-бирига қўшилиб кетди. Қамчи зарбидан отлар асабий пишқирар, олдинги оёқларини кўтарганича тўдага ўзини урарди. Ўгатлик Абдуҳамид бу ерга бир йўла иккита тулпори билан келган, уларни навбатма-навбат даврага солиб, солимнинг кўпини ўзи қўлга киритди. Кунгай томонда тизилишиб ўтирган ёшу қари ва бола-чақалар полвонга ҳайрат билан боқишар, ҳатто қўшни вилоятлардан келган полвонлар ҳам уни чин дилдан олқишлашарди.

Қўшни икки вилоят ўртасида ҳалигача алоқа, борди-келди узилгани йўқ. Оға-иничилик, аҳиллик, меҳр-оқибат ва яқин биродарлик қарор топиб, дўстлик ришталари тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Гарчи орадаги масофа яқин бўлмаса-да, ҳеч бир тўйтомоша, турли давра ва йиғинлар улар иштирокисиз ўтмайди. Қалбларидаги қувонч ва шодликларини ўртада баҳам кўришади.

**Абдулла САИДОВ**



# ТЕЛЕКЎРСАТУВЛАР ШУНДАЙ БОШЛАНГАНДИ

***1956 йилнинг 5 ноябри! Бу кун Ўзбекистоннинг фан-техника, маданият ва маънавий ҳаётида йирик воқеа санасига айланиб қолди.***

***Ўшанда Тошкент телевидениеси маркази орқали дастлабки кўрсатувлар намойиш қилинган эди.***

— Бу тарихий кунни республикамиз аҳолиси сабрсизлик билан кутган эди, — дейди телемарказда етакчи муҳандис бўлиб ишлаган таниқли алоқачи Абдужалил Тўлаганов. — Тошкент вақти билан соат 18.00 да диктор қизнинг «Тошкент телевидениеси студиясидан гапирамиз» деган жарангдор овози эфирда баралла янграганди. Эфирга узатила бошланган телекўрсатувлар ҳажми ҳафтасига икки соатни ташкил этарди.

Бунгача катта техник ижодкорлик ишлари амалга оширилди. Баландлиги 180 метрли телеминора қад кўтарди. Телекўрсатув ва ултрақисқа тўлқинда ишловчи радиоэшиттириш узаткичлари ўрнатилди. Аппарат студия мажмуаси яна кўплаб асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Бу каби умумий қурилиш ишлари тугаллангач, телеканалда ишлайдиган қатор узатгичлар монтаж қилинди. Шу тариқа технологик қурилмаларни созлаш ва фойдаланишга топшириш жараёнлари амалга оширилди.

Ўша йилларда телекўрсатувлар ҳажмини ошириш ва техник сифатини яхшилашга эътибор қаратилди. Фарғона водийси ва Зарафшон воҳасини телекўрсатувлар билан таъминлаш тадбирлари кўрилди. Тошкент шаҳридан сигналларни қабул қилиш имконини берадиган ҳудудлар аниқланди. Қабул қилиш-узатиш телевизион антенaларга металл мачталар ўрнатилди. Телеканалларда ишлайдиган телевизион ретрансляторлардан фойдаланила бошланди.

Тошкент телевизион маркази техник мажмуасида малакали мутахассис Марзия Абдуллаева, телестудиясида эса моҳир ташкилотчи Мирсолиҳ Мираъзамовлар биринчи раҳбарлар сифатида фаолият кўрсатишди.

Телевидениега Ўзбекистон телевидениеси мақоми берилгач, янада кенгайди. Ўзининг 50 йиллик санасини нишонлаш арафасида турган Ўзбекистон телевидениеси бугунги кунда бир йўла тўртта каналда кўрсатувлар олиб бормоқда.

**А.АКБАРОВ**

● Табобат оламида

# ИККИНЧИ ЖЕНЬ-ШЕНЬ

***Биз кўплаб шифобахш гиёҳлар ҳақида эшитганмиз, олимлар, биологлар ёзган китобларни, мақолаларни ўқиганмиз, аммо уларнинг айримлари ўзга минтақалардан жаҳонгашта сайёҳлар, биолог олимлар томонидан олиб келингани тўғрисида аниқ маълумотларга эга эмасмиз.***

Кейинги 10-15 йиллар давомида «Чорсу», «Олой», «Юнусобод», «Ширин», «Машинасозлар», «Миробод» каби деҳқон бозорларида гуллар, кўчатлар расталарида «Ерноки», «Америка картошкаси» дея ном олган, кўриниши чўзинчоқ, баъзилари жень шенни эслатувчи шаклли ўсимликлар пайдо бўлди.

— Олинглар, қанд касаллиги, қон босимининг давоси, олиб қолинг, кейин афсусланманглар!

Одамлар ўша ўсимликнинг ҳар битта картошкасини 200-250 сўмдан олаётганларни кўриб, шуни ҳам сотадими, деб хаёлимдан ўтказиб, ҳовлимга эккан топикамбур картошкалари-ю баргларини юздан ортиқ беморларга, дўстларимга тортиқ қилганман.

Очиғи, ҳовлисида топинамбур ўстираётганларнинг барчаси ҳам бу ўсимлик аввал Европа, кейинчалик Россияга ким томонидан келтирилганлиги-ю, унинг шифобахшлигини қайси олим таҳлил қилганини билмаса керак.

Аввало, шуни айтиш керакки, ушбу шифобахш ўсимликнинг ватани Ҳиндистон бўлиб, бу ноёб ўсимлик Топинамбур вилоятидагина ўсади. Ерлик аҳоли ўсимлик баргидан дамламалар, картошкасидан жаркоп, қовурдоқ ҳамда суюқ таомлар тайёрлашда фойдаланади. 1919-1921 йилларда жаҳонга машҳур биолог олим, академик Николай Иванович Вавилов топинамбур картошкасини собиқ иттифоқнинг Ботаника боғига экиб кўпайтиргач, унинг таркибини илмий лабораториясида текширган. Ўсимликда инсон саломатлигини мустаҳкамловчи-иммунитетни кўтарувчи магний, кальций минерал тузлар билан бирга, қонни кўпайтирувчи темир моддаси борлигини ҳам аниқлашга муваффақ бўлган.

Н.Вавиловнинг шогирдлари унинг илмий изланишларини давом эттириб, 1960 йилда 10 дан ортиқ касалликларни даволовчи ҳапдорилар - таблеткалар ҳам ишлаб чиқаргани Фармацевтика тарихидан маълум.

Академик Н.И.Вавилов таъбири билан айтганда, топинамбур узоқ умр кўришни таъминловчи табиат инъоми. У куч-қувват бағишловчи, иммунитетни кўтарувчи иккинчи жень-шендир.

Демак, топинамбур ўсган оилада хасталик бўлмайди.

**Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ**

Круглую печать и штамп СП ООО «ЭЛГА-АЗИЯ» считать недействительной
**Ликвидационная комиссия СП ООО «ЭЛГА-АЗИЯ»**

БОШ МУҲАРРИР
Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати:
Алла Долженкова,
Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари),
Маъмура Адилова,
Мирзоҳид Содиқов,
Носирхон Акбаров,
Ойсулув Нафасова,
Пиримқул Қодиров,
Соғиндиқ Ниетуллаев,
Шавкат Абдуллаев,
Шамси Эсонбоев,
Элёр Ёқубов,
Ғуломзокир Юсупов

Бизга қўнғироқ қилинг:

Котибият
153-52-78

Бўлимлар
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими: 153-87-63
Ижтимоий-иқтисодий сиёсат бўлими: 153-87-74
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими: 153-87-73
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт бўлими: 153-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш бўлими: 153-85-43
Реклама ва эълонлар бўлими: 153-03-90

БИЗНИНГ МАНЗИЛ:
700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134

E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

Газета ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума ва шанба кунлари чиқади.

Навбатчи котиб - А.Алламуродов
Навбатчи муҳаррир - Н.Рафиқов
Навбатчи - Р.Суяров
Мусаҳҳиҳ - Н.Юлдошев

Саҳифаловчи-дизайнер: А.Абдуллаев ва Ю.Михайловский

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Офсет усулида босилди.
Бичими А-2.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда.

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Топширилди - 20.15

Буюртма Г— 1215

Тиражи: 7553